

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 167, (4414).

22

АВГУСТ

ШАНБА

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ
ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

УЛКАН ХИРМОН УЯМИЗ

Б УГУНГИ ишларимиз
тўғрисида гапиришдан ол-
дин яқин ўтишдан бир варақ-
ни кўздан кечирилайлик.

Совхозимиз республиканинг
кекса хўжаликларидан. Ўтти-
зинчи йилларда икки дарё —
Чирчиқ ва Охангарон дарёлари
оралиғида кичик бир хўжалик
барпо этилган эди. Кексалар-
нинг ҳиноясига қараганда ўша
вақтда экин ерларидан қамши-
зорлар, қиёзорлар кўп бўлган.
Ҳосил ҳам шунга яраша эди.
Фарғона vodiёсидан биринчи-
лар қатори қўшиб келган, шу
ерда меҳнат қилиб обрў-эъти-
бор топган, ҳозирги кунда хур-
матли отахон бўлиб қолган Қур-
бонали ота Эрматов ўша йиллар
тўғрисида гапириб беради.

Хар йили кўзлашда ва кўзда
қамшизорларни бўзиб ер-очар-
дик. Техника кам, ишнинг кўли-
ни кўл билан бажаришга тўғри
келарди. Поргул йилгилар бот-
қоқ кечиб, совур қазичар, сад-
сувни қорчишарди. Чирчиқ
экиб олиб, ҳали у-ўнмаи туриб
далайи қамши-қийлар босиб
кетарди. Халқимизда онг унут
илди қамши илдизи деганларча
бор экан. Қанча чуқур чоп-
сан ҳам яна ўсиб чиқаверарди.
Беш-ўн йил қамши билан ку-
рашдик. Деҳқон, боласи ениб
чиқди. Йил сайин оз-оздан ср-
очиб бориб, мана ҳозир кўриб
турган даладар бунёдга келди.
Ҳали ҳам огоҳ бўлмасангиз
пахтазордан қамши ўсиб чиқи-
ши ҳеч гап эмас.

Қурбонали Эрматов полвон
номини шу ерда олган. У Фар-
ғонадан келиб, тошкентлик пол-
вонлар билан кураш тушмаган.
Ўзининг айтишига қараганда
қамшиполвоннинг белини син-
дирган. Ишонга нафи тегди-
ган ишларда кўп курашган.
Ҳамма вақт голиб чиққан. Шу
важдан уни полвон дейишарди.
У пахта полвони.

Совхозимизда пахтачилигини
ривожлантириш учун курашган
ва курашаётган, бу курашда го-
либ чиқаётган полвонлар бугун-
ги кунда ҳам кўп. Улар белини
маҳкам боғлаб курашга отлан-
ган эканлар, меҳнатда голиб-
ликка эришиш учун ҳаракат
қиладилар.

Қадимда қамши ва қиёқ ўсиб,
ботқоқзор бўлиб ётган ерлар
деҳқон, иродаси билан «оқ ол-
тин» қонига, ширин-шарбат ме-

валар берадиган бог-роғларга,
кумуш тола етиштирадиган ири-
рик хўжаликка айланди. Совхо-
зимиз коллективининг хўжали-
ни янада ривожлантириш йўли-
да қилаётган ишлари тўғрисида
ҳамма вақт қувонч билан сўз-
лаймиз.

Д ЕҲҚОН МЕХНАТИ кадр-
қимматини топган. У шу-
нинг учун ҳам фидокорлик кўр-
саиб меҳнат қилади, курашади.
Меҳнати қадрланаётгани учун
у шунга яраша деҳқончилик,
чорвачилик маҳсулотларини
кўпайтириш учун ғайрат кўрса-
тиб ишламоқда.

Йил бошида давлатга 12 минг
500 тонна пахта етказиб бериш
мажбурияти олинган эди. КПСС
Марказий Комитети июль Пле-
нуми қишлоқ хўжалик ходим-
лари олдига, биз пахтакорлар ол-
дига маҳсулотини кўпайтириш
учун ички имконият-
ларини қидириб
топиш, мамлакат
хўжалигини, ҳақ
фаровонлиги ва
ишчиларнинг де-
ҳқончилик ва чор-
вачилик маҳсу-
лотларини янада
кўпайтириш вази-
фасини қўйди.
Бунга совхозимиз
ишчи-хизмат чи-
лари амалий иш
билан жавоб бе-
ришга қарор қи-
лдilar. Биз ол-
динги мажбуриятимизни ўзгар-
тириб бу йил мамлакатга
12 минг 500 ўрнига 12 минг
800 тонна «оқ олтин» етказиб
бериш мажбуриятини олдик.
Бундай катта хирмонни барпо
этишга ишонганимиз учун ҳам,
ана шу ҳосил ҳозирги пайтда
поёнизи даладаримизда пишиб
етилаётгани учун ҳам ишонч би-
лан бу мажбуриятни олдик.

1970 йил барча совет киши-
лари қабиланинг хўжалигимиз
азволини учун ҳам меҳнатда
ғалабаларга чорлайдиган йил.
Улуғ ҳоким В. И. Ленин юз
йиллиги юбилейини нишонлаш
арафасида йилимиз якуни қан-
дай бўлишини режаляб олган
эдик. Ўша режаларимиздан би-
ри чигит экиш соҳасида янги
усулларни амалга ошириш эди.
Ана шунга кўра 4 минг 300
гектар ерининг 3 минг 200 гек-

тарига чигитни янги усулда —
90 сантиметрли, кенг қаторлик
қилиб эдик.

Шуни айтиш керакки, пахта
етиштиришда кенг қаторлик
усулини қўллаш келажакда рес-
публикамиздаги ҳамма хўжа-
ликларда тўла амалга оширили-
ши зарур. Негаки, биз деҳқон-
лар бу усулнинг гўят афзал
эканлигини амалда кўрмоқда-
миз. Кекса деҳқонлар ҳам, еш
деҳқонлар ҳам ана шу усулда
ишлаш пахтанинг ерта етили-
шини, деҳқончилик ишларини
сифатли ўтказиш учун қўлай
шароит туғилишини, механиз-
ациядан фойдаланиш яхшила-
ни-

ЗОКИР МАҚСУМОВ.

ОҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИНИНГ ДИРЕКТОРИ

натларига ялғирлиги 115 про-
цент ўрнига 125 процент ҳисо-
бдан ҳақ олади. Бу деҳқон-
чилик ва чорвачилик маҳсулот-
ларини ҳозиргидан анча кўпай-
тиришга, маҳсулот сифатини
яхшилашга уларга илҳом бера-
ди.

Механизатор кадрлар сафийи
мустаҳкамлаш, уларнинг меҳ-
натлари эвазига моддий манфа-
атдорликларини оширишда бу
қарорда кўп нарсаси кўзда тути-
лади. Техникадан фойдаланиш-
ни яхшилаганлиги ва уни талаб
қилингандек сақлаганлиги, ҳо-
силдорлигини оширишда фаол
қатнашганлиги учун механиз-
а-

корлар билан бир қаторда чор-
вадорлари ҳам ана шу қарордан
руҳланиб, моллар боқимини ях-
шиламоқдалар ва сизгилардан
сўт соғиб олишни кўпайтироқ-
далар.

Х ўЖАЛИГИМИЗ асосан
пахтачилик билан шуғул-
ланади. Биз пахта етиштиришни
комплекс механизациялаш соҳа-
сида катта тажриба ортирган
механизаторлар, пахтакорлар
билан фахрланамиз. Улар ўз
ушталарини, бригада ва звено-
ларида ҳосилдорлигини йил са-
йин ошириш билан бирга орт-

қўраткичларга эришиб бўлмай-
ди. Бунга тўла ҳис этган кол-
лективимиз мавсумда ишлати-
ладиган ҳамма машиналарини
яхши ремонтдан чиқардилар.
Уларнинг иш органлари қандай
ҳаракат қилишини синовдан ўт-
каздилар. Азамат механизатор-
лар олдин чавандоз ўз тулпорини
тайёрлагани сингари «зангори
кема»ларини ҳам улар шундай
ҳозирлаб қўйдилар.

Ҳамма бўлим ва бригадалар-
да дефолнацияга тайёргарлик
қўрилмоқда. Сепилдиган хи-
миявий дорилар келтириб қў-
йилди. Қишлоқ хўжалик ави-
ацияси учиб қўнадиган майдон-
чалар ҳозирланмоқда. Биз де-
фолнация вақтида ОДН маши-
наларидан ҳам фойдаланишни
мўлжаллаган ва н-
миз учун уларни
ҳам тайёрлаб
қўйдик.

Даладаримизда
мўл ҳосил пишиб
етишмоқда. Деҳ-
қон йил бўйи
қилган меҳнати-
нинг дастлабки
мевадарини кў-
риб, қувонаётган
шу кунларда у
хали ғайрат ка-
марини етгани
йўқ. Ҳосилнинг
янада кўп бўли-
ши учун кураш
давом этмоқда.

Биз ишни бундан
кейин қизгин да-
вом эттириб, мажбуриятни оши-
риб бажарадиган даражада ҳо-
сил бўлиши учун курашамиз.
Пигим-терини муваффақият-
ли ўтказишда машиналар билан
бир қаторда пахта ташйидиган
транспорт воситаларининг ҳам
тайёр ҳолда туриш ишнинг ри-
вожини кучайтириш омилдир.
Биз бу соҳадаги техникани ҳам
тахт қилиб қўймоқдамиз.

Ўтган йилларда мўл ҳосил
етиштиришда ҳам уни йиғиб-
териб олишда фидокорлик кўр-
сатган, беш йиллик ақунлана-
диган бу йилги шароитда ҳам
ғайрат кўрсаиб меҳнат қилиб
бошқаларга намуна бўлаётган
пахтакорлар, механизаторлар-
нинг ҳозирги янгида хурсанд-
миз. СССР Олий Советининг

депутати Алиев, ишчан механи-
заторлардан Х. Имонкулов, А.
Қурабегинов, Х. Ражабов, У.
Ақбаров, Э. Эбасан, А. Волков,
Ғ. Ғафуров ва шулар каби ўн-
лаб механизаторлар пахта дала-
ларида гўзаларни сифатли кул-
тивация қилиб мўл ҳосил етиш-
тиришга муносиб ҳисса қўшаёт-
ган бўлсалар, эрта-инди «зан-
гори кема» рулини моҳирлик
билан бошқариб, «оқ олтин»
хирмонларини уюшга бел бо-
лаб турибдилар.

Бу йил биз мўлжаллаган
300 тонна кўп — 12800 тонна
пахта етиштириш ҳақида қў-
шимча мажбурият олдик. 2400
центнер ўрнига 2450 центнер
гўшт, 10 минг центнер ўрнига
10 минг 500 центнер сўт ва бо-
қа маҳсулотлар етиштиришга
аҳд қилганмиз. Совхозимиз кол-
лективни пландаги 1 миллион
872 минг сўм ўрнига 2 милли-
он 500, 2 миллион 700 минг
сўм соф фойда олишни мўл-
жалламоқда. Пахтачилик, чор-
вачилик ва хўжалиқнинг бошқа
соҳаларидаги ишларимизнинг
бориши мўлжалдаги мақсадга
эришиш мумкинлигидан далолат
бериб турибди.

Пахтакорларимиз, чорвадор
ва богбонларимиз, катта хўжа-
лиқимизнинг хар бир аъзоси
шунинг яқин биладики, 1970
йил тарихий воқеалар нишон-
ланадиган тарихий йилда партия-
миз Марказий Комитети
июль Пленуми қишлоқ хўжалик
ходимлари олдига қўйган улуг-
вор вазифаларни шараф билан
бажариш учун зўр ғайрат кўр-
саиб меҳнат қиладилар ва
КПССнинг XXIV съездининг му-
носиб кутиб олиш учун умум-
халқ социалистик мусобақасига
қўшилибдилар. 1970 йил совхо-
зимиз ҳаётида янада кўтари-
лиш йили, муваффақиятларга
эришиш йили бўлишини нишон-
лаган ҳолда совхозимизнинг на-
тадан-кичиги фидокорона меҳ-
нат қилаётир.

* 12500 ТОННА ЎРНИГА 12800 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИЛАДИ
* ПАХТАНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЁРДАМЧИЛАРСИЗ МАШИНА-
ЛАРДА ТЕРИБ ОЛИНАДИ * 4200 ГЕКТАР ЕРДАН 3200 ГЕКТА-
РИДА ГЎЗА 90 САНТИМЕТРЛИ ҚИЛИБ, КЕНГ ҚАТОРЛАБ ЎС-
ТИРИЛМОҚДА. * ЧОРВАЧИЛИКНИНГ РЕНТАБЕЛ БЎЛИШИ УЧУН
КУРАШ—ДАРОМАД МАНБАИ.

шини айтмоқдалар. Кенг қатор-
ла ўстириладиган гўзата қўш
иссини тўла тушади. Шабада
яхши оралиди. Сугоринг ери
юшатиш кенлиги кўндалмайдик
бўлади. Деҳқон, гўза илдизлари
йириб ўсиб, шохлариди қўсақ-
лар кўп бўлади. Унинг пишиб
етилиши тезлашади.

Биз бир-икки йил ичда ҳам-
ма майдонларимизга ана шу
усулда чигит экимиз.

Юқорида деҳқон меҳнати ўз
қадр-қимматини топаётганлиги
ҳақида гапирдик. Бундан пахта-
корлар, чорвадорлар, богбонлар
гўят хурсандлар. КПСС Мар-
казий Комитети, СССР Министр-
лар Совети ва ВЛКСМнинг сов-
хоз ишчиларининг меҳнатига ҳақ
тўлаш системасини янада яхши-
лаш тўғрисида қабул қилган
қарорларидан коллективимиз
гўят хурсанд. Энди улар меҳ-

торларга устама мукофот тари-
қасида ҳақ тўлашни яхши йў-
ла қўйиш, уларни рағбатланти-
риш соҳасида олдинги йиллар-
га қараганда бу соҳадаги ишлар
кенг амалга оширилмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз иш-
чи, хизматчи, мутахассис ва ме-
ханизаторларнинг моддий ман-
фаатдорлигини оширишга ало-
ҳида эътибор бериб келмоқда-
лар. Пахтачилик хўжаликлариди
чорвачиликни рентабель қилиш
учун қатор тадбирлар амалга
ошириладиган. Чорвачилик маҳ-
сулотлари харид нархларининг
оширилганлиги бунга ёрқин ми-
сол бўла олади.

Қарорда таъкидланганидек,
чорвачилик маҳсулотини қанча
кўп олинса, унинг сифати қан-
ча юқори бўлса, устама муко-
фот тарзида ҳақ тўлаш шулча

тирган тажрибаларини ёшларга
ва районимиздаги хўжаликлар
азволига, шу билан бирга
тажриба ўрганиш учун совхо-
зимизга келган кишиларга сўзлаб
бермоқдалар. Биз кейинги йил-
ларда ўзимиз етиштирган хо-
силнинг асосий қисминини ўз ку-
чимиз билан йиғиб-териб олмақ-
дамиз. Бунда албатта механиз-
ация ҳал қилувчи роль ўйна-
моқда. Пигим-терим кунларда
совхозимиз даладариди бўлган
киши ўйлаб «зангори кема»
ларнинг группа-группа бўлиб,
ишлатиладиганини кўради. Ма-
шиналарнинг юқори унумли иш
ҳозирги меҳнатимизга боғлиқ.
Гўзалар машинаб қилиб ўс-
тирилмаса, уларнинг қайрилиш,
буртилиш жойлари олдиндан хо-
зирлаб қўйилмаган бўлса, энг
муҳими гўза барглариини сунъий
тўқатириш сифатли ўтказилмаса
машина терим соҳасида юқори

тирган тажрибаларини ёшларга
ва районимиздаги хўжаликлар
азволига, шу билан бирга
тажриба ўрганиш учун совхо-
зимизга келган кишиларга сўзлаб
бермоқдалар. Биз кейинги йил-
ларда ўзимиз етиштирган хо-
силнинг асосий қисминини ўз ку-
чимиз билан йиғиб-териб олмақ-
дамиз. Бунда албатта механиз-
ация ҳал қилувчи роль ўйна-
моқда. Пигим-терим кунларда
совхозимиз даладариди бўлган
киши ўйлаб «зангори кема»
ларнинг группа-группа бўлиб,
ишлатиладиганини кўради. Ма-
шиналарнинг юқори унумли иш
ҳозирги меҳнатимизга боғлиқ.
Гўзалар машинаб қилиб ўс-
тирилмаса, уларнинг қайрилиш,
буртилиш жойлари олдиндан хо-
зирлаб қўйилмаган бўлса, энг
муҳими гўза барглариини сунъий
тўқатириш сифатли ўтказилмаса
машина терим соҳасида юқори



СУРАТЛАРДА: (юқоруда) бригада бошлиғи Н. Жумабоев (чапда) звено бошлиғи К. Мавлонов билан гўзаларни кўздан кечиришда. Пастдаги суратда ремонт ишларида актив қатнашган механизаторлардан бир гуруҳаси.

А. АБАЛАН фотолари.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

1970 йил 20 август кунин Москвада Варшава шартномасида қат-
нашувчи давлатлар сиёсий масла-
ҳат комитетининг мажлиси бўлиб
ўтди.

Мажлисида қуйидагилар қатнаш-
дилар:

Болгария Компартияси Мар-
казий Комитетининг биринчи сек-
ретари, Болгария Халқ Республикаси
Министрлар Советининг Раиси Т.
Живков, БНП Марказий Комитети
Сиёсий Бюросининг аъзоси, Мар-
казий Комитет секретари Б. Вел-
чев, БНП Марказий Комитетининг
аъзоси, БХР Ташқи ишлар мин-
истри Башев;

Венгрия Социалистик ишчи пар-
тияси Марказий Комитетининг би-
ринчи секретари Я. Кадар, ВСИП
Марказий Комитети Сиёсий Бюро-
сининг аъзоси, Венгрия революц-
он ишчи-деҳқон ҳукуматининг
Раиси Е. Фок, ВСИП Марказий
Комитетининг аъзоси, Венгрия
Халқ Республикаси Ташқи ишлар
министри Я. Петер;

Германия Бирлашган Социали-
стик партияси Марказий Комитети-
нинг биринчи секретари, ГДР Дав-

лат кенгаширининг Раиси В. Уль-
брихт, ГБСП Марказий Комитети
Сиёсий Бюросининг аъзоси, ГДР
Министрлар Советининг Раиси Ф.
Штоф, ГБСП Марказий Комитети
Сиёсий Бюросининг аъзоси, Мар-
казий Комитет секретари Э. Хо-
неккер, ГБСП Марказий Комитети
Сиёсий Бюросининг аъзоси Мар-
казий Комитет секретари К. Ха-
гер, ГБСП Марказий Комитети
Сиёсий Бюросининг аъзоси, Мар-
казий Комитет секретари Г.
Миттаг, ГБСП Марказий Комите-
ти Сиёсий Бюросининг аъзолигига
кандидат, Марказий Комитет сек-
ретари Г. Аксен, ГБСП Марказий
Комитетининг аъзоси, ГДР Ташқи
ишлар министри О. Винцер;

Польша Бирлашган ишчи пар-
тияси Марказий Комитетининг би-
ринчи секретари В. Гомулка,
ПВМП Марказий Комитети Сиёсий
Бюросининг аъзоси, Польша Халқ
Республикаси Министрлар Совети-
нинг Раиси Ю. Цирякевич, ПВМП
Марказий Комитети Сиёсий Бюро-
сининг аъзоси, Марказий Комитет
секретари З. Кшишчо, ПВМП Мар-
казий Комитети Сиёсий Бюроси-

нинг аъзоси, ПХР Ташқи ишлар
министри С. Ендриховский, ПХР
Ташқи ишлар министрининг ўрни-
басари Ю. Виевич;

Руминия Компартиясининг Бош
секретари, Руминия Социалистик
Республикаси Давлат кенгаширининг
Раиси Н. Чаушеску, РНП Мар-
казий Комитети ижроия комитети ва
домий президиумининг аъзоси,
РСР Министрлар Советининг Раи-
си И. Г. Маурер, РКП Марказий
Комитети ижроия комитети ва
домий президиумининг аъзоси,
Марказий Комитет секретари П.
Николеску—Мизил, РКП Мар-
казий Комитетининг аъзоси, РСР
Ташқи ишлар министри К. Мэнеску;

КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари Л. И. Брежнев,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий
Бюросининг аъзоси, СССР Олий
Совети Президиумининг Раиси
Н. В. Подгорний, КПСС Марказий
Комитети Сиёсий Бюросининг
аъзоси, СССР Министрлар Совети-
нининг Раиси А. Н. Косигин,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий
Бюросининг аъзоси, Марказий Ко-

(Давоми 2-бетда)

туғамди. деб ёзди «Нью-Йорк Таймс». АҚШ армиясидаги Пентагоннинг Оқинава асладохоналарининг ёзида турган минг тонна пер-палитининг бир «горчица» газли бор. Газли Оқинавани японларга қайтариб бериш тўғрисидаги қарордан сўнг ҳарбийлар газни АҚШ территориясига олиб келмоқчи бўлганликларини эслатиб ўтади. Аммо Америка жамоатчилигининг тазйиқи остида Пентагон шўфиридая қайтишга мажбур бўлди ва ҳозир газни Гавай ороллари раёонидаги Нюстон-Айленд оролида жойлаштириш режаламонда. «Хиёнатчи» ва баптистонлик куни бўлиши бундан программага ёнор қўлатилмаган ва булардан қуролнинг мавжуд бўлишига паслари йўқотиш юзборилмаган экан, аксис-энас тўхтатилишига жамоатчилигининг ишйиқи қомит бўлмади.

